ISSN 2181-5836

# Фуқаролик Жамияти

*Умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий журнал*

## Гражданское общество Civil Society

2021. - Volume 18. - Issue 3 (67)











**Ўзбекистон:**
**ёшларга оид давлат сиёсати**

**Узбекистан:**
**государственная молодежная политика**

**Uzbekistan:**
**state youth policy**

# Мундарижа

Долзарб мавзу
4 Янги Ўзбекистонни бунёд этиш жараёнида ёшларнинг ўрни ва асосий вазифалари

Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт
8 *Турсиной МУРАТОВА.* Ёшлар — демократик ислоҳотларни самарали амалга оширишда ҳал қилувчи куч

Фуқаролик жамиятининг маънавий-маърифий асослари
11 *Ботирбек ТЎРАЗОДА.* Ёшларни янгича ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, ватанпарвар шахс сифатида тарбиялаш масалалари
14 *Нурмухаммад БАННАЕВ.* Олий таълим муассасалари талабаларида жамият ва шахс манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билимларни шакллантириш йўлларига доир
18 *Икромжон ЮЛДАШОВ.* Қишлоқ мактаб ўқувчиларининг ижтимоий фаоллигини оширишда оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлигини ривожлантириш механизмлари
22 *Хуршид ХАЙДАРАЛИЕВ.* Талабаларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни такомиллаштиришга оид
26 *Хурият ХУДАЙБЕРДИЕВА.* Ёшларда миллатлараро тотувликни шакллантиришда санъатнинг эстетик моҳияти
30 *Умида ШЕРМАТОВА.* Ўқувчиларнинг ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда тарихий, адабий-бадиий манбалардан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари

Фуқаролик жамиятининг иқтисодий асослари
34 *Дилшод ХУДОЙБЕРДИЕВ.* Ёшларда истеъмолчилик хулқининг шаклланиши: мазмуни ва шакллари, сабаблари ва оқибатлари

Давлат ҳокимияти ва жамоатчилик назорати
38 *Абдуғаффор ТОЛИПОВ.* Ёшлар орасида жиноятчиликни олдини олишнинг ижтимоий механизмлари

Фуқаролик жамияти практикуми
42 Ёшларга оид давлат сиёсатига бағишланган илмий-амалий машғулотларнинг тахминий тематикаси ҳамда тавсия этилаётган манбалар

Ўзбекистон ва жаҳон
47 Ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш хорижий экспертлар нигоҳида; Ёшларга оид давлат сиёсати Ўзбекистон сиёсий партиялари ва депутатлик корпуси вакиллари нигоҳида

Тақдимотлар
52 “Yoshsaylovchi.uz” электрон платформаси
53 “Янги Ўзбекистон ёшлари: ҳаётий позициялар ва қадрият устуворликлари” мавзусида мажмуавий тадқиқот

Конференциялар, давра суҳбатлари ва семинарлар
55 Ёшлар ва сайлов: электорал маданиятни оширишнинг долзарб масалалари; Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳудудларда амалга оширилишини рейтинг баҳолаш

59 Китоблар оламида

# Содержание

Актуальная тема
63 *Илхом ДЖУРАЕВ.* Президентские выборы: опыт Узбекистана и зарубежных стран

Гражданское общество: теория и практика
67 *Ойдин АБДУЛЛАЕВА.* Основные критерии философии культурного подъема

Экономические основы гражданского общества
71 *Рустамбек САЙИДОВ.* Роль Парламента в создании правовой базы модернизации секторов экономики

Узбекистан и мир
74 Зарубежные оценки реализации государственной молодежной политики в Узбекистане

Возвращаясь к напечатанному
76 *Дониёр ТУРАЕВ.* Фактор усиления правового статуса Детского омбудсмана в реализации принципа наилучшего обеспечения интересов ребенка

Духовно-просветительские основы гражданского общества
80 *Косимжон СИДДИКОВ.* Обучение иностранным языкам по принципу «детский сад — школа — высшая образовательная организация — предприятие»

Конференции, «круглые столы» и семинары
85 Всемирная конференция по правам молодежи на тему «Вовлечение молодежи в глобальные действия»

# Contents

Official Documents
88 International code on voluntary commitments of States during pandemics
91 Bukhara declaration of the International Forum on Global Interparliamentary Cooperation in Implementing the Sustainable Development Goals

96 In the world of books

# Ёшларга оид давлат сиёсатига бағишланган илмий-амалий машғулотларнинг тахминий тематикаси ҳамда тавсия этилаётган манбалар

**Тахминий тематика**

**I. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси.** Ушбу сиёсатда иккита энг муҳим йўналиш: биринчиси – ёшларга замонавий билим бериш, иккинчиси – ёшлар бандлигини таъминлаш. Ушбу сиёсатни янги босқичга олиб чиқиш, ёшлар соҳасидаги муаммоларга самарали ечимлар ишлаб чиқиш, ваколатли органлар фаолиятини янада самаралироқ ташкил этиш ва мувофиқлаштириш. Ёшлар ва аёллар муаммоларини тизимли ҳал қилиш, уларни касбга ўргатиш ва иш билан таъминлаш масалалари.

**II. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури.** Мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш ҳамда ёшлар сиёсати соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини муттасил амалга ошириш. Ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш.

**III. Ёшлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик қўллаб-қувватлаш, касб-ҳунарга ўргатиш ва бандлигини таъминлаш ишларини самарали ташкил этишнинг доимий молиявий манбаларини ва улардан фойдаланиш тартиби.** Ёшлар, айниқса, уюшмаган ёшларнинг муаммоларини ўрганиб, ҳал қилиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва спортга жалб этиш масалаларига устувор аҳамият қаратиш зарурлиги.

**IV. Ҳудудларда илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланиб келаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, нуфузли илмий мактабларни шакллантириш ҳамда уларнинг илмий салоҳиятини янада ошириш.** Ёшларга оид дастурлар, лойиҳалар ва илмий- тадқиқот ишларини молиялаштириш учун ижтимоий буюртма шак-












лида ажратиладиган давлат грантлари ва субсидияларни тақсимлаш, улардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлашга эришиш. Ёшларни селекция асосида илмий фаолиятга жалб этиш кўрсаткичлари. Ёшлар ўртасида китобхонликни, мутолаа маданиятини ривожлантириш. Рақамли иқтисодиёт кўникмаларини пухта эгаллашлари учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш.

**V. Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар.** Тадбиркор аёллар ва ёшлар сафини янада кенгайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш – иқтисодий сиёсатимизнинг энг устувор йўналишлари. Ёшларни бизнесга ўқитиш, "Лойиҳалар фабрика"ларида илгари сурилаётган янги ғоялар асосида инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва молиялаштириш бўйича доимий ишлайдиган ҳамда ёшларга қулай ва қизиқарли бўлган янги тизимни яратиш зарурлиги. Ёшларни касбга йўналтириш, спорт мусобақалари ва тўгаракларга жалб этиш муҳимлиги. Келажагимиз эгалари бўлган ўғил-қизларимиз билан ишлашнинг мутлақо янги тизими – "Ёшлар дафтари" ва "Ёшлар дастурлари".

**VI. Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш.** Жойларда, авваламбор, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган кўп сонли ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқаришлари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун кенг шароитлар яратишга алоҳида аҳамият бериш.

**VII. Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш.** Тарбия муассасаларини тамомлаган етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этиш ва бандлигини таъминлаш.

**VIII. Ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик қилиш.**

**IX. Ёшларни Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган ёш авлодни илм-фан ва инновацияларга кенг жалб этиш. Уларни "Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс сари!" шиори атрофида бирлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни самарали ва тизимли ташкил этиш.**

**X. Ёшлар сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, ёшлар соҳасидаги халқаро рейтингларда мамлакатимиз мавқеини ошириш бўйича қўшимча чоралар кўриш.**

*Тавсия этилаётган манбалар*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 й. 13 июлдаги "Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони // "Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси"нинг веб-сайти – www.lex.uz.

*Мирзиёев Ш.М.* Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. "Янги Ўзбекистон" газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари. 2021 й. 17 август // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти – www.president.uz.

Мирзиёев Ш.М. Тадбиркорликни жадал ва янада кенг ривожлантириш учун барча шароитларни яратиш – энг муҳим вазифамиздир. Мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқ. 2021 й. 20 август // www.president.uz.

*Мирзиёев Ш.М.* Азму шижоатли ёшларимиз билан биргаликда янги Ўзбекистонни албатта бунёд этамиз. Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2021 й. 1 июль // – www.president.uz.

Ёшлар таълим-тарбияси сифатини ошириш бўйича қўшимча вазифалар белгиланди. 2021 й. 10 сентябрь // www.president.uz.

Президент Ёшлар ва талабалар форумида иштирок этди. 2021 й. 30 июнь // www.president.uz.

Маҳалла фаолларининг таклифлари асосида мутасаддиларга топшириқлар берилди. 2021 й. 25 июнь // www.president.uz.

Ижтимоий соҳаларни ривожлантириш бўйича халқ билан мулоқот қилинди. 2021 й. 18 июнь // www.president.uz.

Олий таълим тизимидаги устувор вазифалар белгиланди. 2021 й. 16 июнь // www.president.uz.

*Тайёрлади:*
*Мавлюда ХАСАНОВА,*
*тарих фанлари номзоди, доцент*

**Примерная тематика научно-практических занятий и рекомендуемая литература по государственной молодежной политике**

**Tentative topics for academic-practical classes and recommended literature on youth policy**












